

# "Problems of Architecture and Construction "

---

Volume 2

Issue 2 *Problems of Architecture and Construction*  
2019\_2

Article 10

---

7-21-2019

## KUSHKI DILKUSHO PALACE: SCIENTIFIC DISCUSSIONS

A. Yakhyayev

*Tashkent Architecture and Construction Institute, Uzbekistan*

D. Rejapova

*Yangiyul Construction and National Handicrafts vocational college, Uzbekistan*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/samgai>



Part of the [Architecture Commons](#)

---

### Recommended Citation

Yakhyayev, A. and Rejapova, D. (2019) "KUSHKI DILKUSHO PALACE: SCIENTIFIC DISCUSSIONS," *Problems of Architecture and Construction* : Vol. 2 : Iss. 2 , Article 10.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/samgai/vol2/iss2/10>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in "Problems of Architecture and Construction " by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [brownman91@mail.ru](mailto:brownman91@mail.ru).

---

# KUSHKI DILKUSHO PALACE: SCIENTIFIC DISCUSSIONS

## **Cover Page Footnote**

The journal is published under the sponsorship of Samarkand State Architecture and Civil engineering Institute



**ПРОБЛЕМЫ АРХИТЕКТУРЫ И СТРОИТЕЛЬСТВА  
PROBLEMS OF ARCHITECTURE AND CONSTRUCTION**

**(ilmiy-texnik jurnal)**  
**(научно-технический журнал)**  
**(Scientific and technical journal)**

**2019, № 2**  
2000 yildan har 3 oyda  
bir marta chop etilmoqda

Журнал ОАК Хайъатининг қарорига биноан техника (қурилиш, механика ва машинасозлик соҳалари) фанлари ҳамда меъморчилик бўйича илмий мақолалар чоп этилиши лозим бўлган илмий журналлар рўйхатига киритилган (гувоҳнома №00757. 2000.31.01)

Журнал 2007 йил 18 январда Самарқанд вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида қайта рўйхатга олиниб 09-34 рақамли гувоҳнома берилган

**Бош муҳаррир (editor-in-chief)** - т.ф.н. доц. С.И. Аҳмедов  
**Масъул котиб (responsible secretary)** – т.ф.н. доц. Т.Қ. Қосимов

**Таҳририят хайъати (Editorial council):** м.ф.д., проф. М.Қ. Аҳмедов; т.ф.д., проф. С.М. Бобоев; т.ф.д., проф., академик А. Дасибеков (Қозоғистон); т.ф.д., проф., А.М. Зулпиев (Қирғизистон); и.ф.д., проф. А.Н. Жабриев; т.ф.н., к.и.х. Э.Х. Исаков (бош муҳаррир ўринбосари); т.ф.д. К. Исмоилов; т.ф.н., доц. В.А. Кондратьев; т.ф.н., доц. А.Т. Кулдашев (ЎзР Қурилиш вазирлиги); м.ф.д. проф. Р.С. Муқимов (Тожикистон); т.ф.д. проф. С.Р. Раззоқов; УзР.ФА академиги, т.ф.д., проф. Т.Р. Рашидов; т.ф.д., проф. Х.Ш. Тўраев; м.ф.д., проф. А.С. Уралов; т.ф.н. доц. В.Ф. Усмонов; т.ф.д., проф. Р.И. Холмуродов; т.ф.д., проф. И.С. Шукуров (Россия, МГСУ); т.ф.д., проф. А.А.Лapidус (Россия, МГСУ).

Таҳририят манзили: 140147, Самарқанд шаҳри, Лолазор кўчаси, 70.  
Телефон: (366) 237-18-47, 237-14-77, факс (366) 237-19-53. [ilmiy-jurnal@mail.ru](mailto:ilmiy-jurnal@mail.ru)

Муассис (The founder): Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти

Обуна индекси 5549

© СамДАҚИ, 2019

УДК: 72.03.

## KUSHKI DILKUSHO PALACE: SCIENTIFIC DISCUSSIONS

**Yakhyayev A.A.**, Assistant

Tashkent Architecture and Construction Institute, Uzbekistan

**Rejapova D.A.**

Yangiyul Construction and National Handicrafts vocational college, Uzbekistan

These contradictory views, which are presented by two great figures in the history of the Uzbek architecture, require the researchers to have a more in-depth study of the subject. Participation of experienced masters in scientific discussions also shows how important it is to solve the problems of the statue.

**Keywords:** Kushki Dilkusho Palace, architecture, complex, structures, construction, palace.

## КЎШКИ ДИЛКУШО САРОЙИ: ИЛМИЙ МУНОЗАРЛАР

**Яхьяев А.А.**, ассистент,

Тошкент архитектура қурилиш институти, Ўзбекистон

**Режапова Д.А.**

Янгийўл қурилиш ва миллий хунармандчилик КХК, Ўзбекистон

Ўзбек меъморчилиги тарихи фанининг икки буюк намоёниси келтирган бу қарама-қарши нуқтаи назарлар тадқиқотчиларга ушбу мавзунини янада чуқурроқ ўрганишни тақозо этади. Илмий мунозараларда тажрибали таъмир усталарининг ҳам қатнашуви Ишратхона обидаси муаммоларининг оқилона ҳал этилиши нақадар муҳимлигини кўрсатади.

**Калит сўзлар:** Кўшки Дилкушо саройи, меъморчилик, мажмуа, иншоот, қурилиш, сарой.

Ишратхона обидаси тадқиқотлари бошланганига қарийб бир асрдан ошган бўлсада, унинг қурилиш тарихи, типологияси бўйича маълум тугал хулосага хануз келинмаган. Ўзбекистон меъморий меросида XIV-XV асрларни Темурийлар меъморчилик ва бунёдкорлик фаолиятининг олтин даври деб ҳисоблаш мумкин. Меъморчиликда ҳажмий, қурилмавий ва бадий ечимлар ривожининг юксак босқичи бўлган бу даврда қурилган иншоотларнинг ҳар бир тури: хоҳ у сарой бўлсин, мадраса ёки мақбара, меъморий-бадий жиҳатдан нодир асар даражасида бунёд этилган эди.

Самарқанд, Бухоро, Ҳирот, Шаҳрисабз, Тошкент, ҳатто салтанатнинг чекка шаҳри Ясси (Туркистон)да қурилган Темурийлар мансуб иншоотлар шу давргача анъанавий бўлган функционал турларга нисбатан универсаллашган типологик хусусиятга эга бўлган. Шу сабабли, даврлар ўтиши билан бошқа мақсадларда қўлланилган иншоотларнинг номлари, тарихи ва типологиясини аниқлашда чалкашликлар содир бўлди. Шундай иншоотлардан бири, Самарқанддаги Ишратхона обидасидир. Қарийб 60 йиллик илмий мунозаралар, асосан Г.А.Пугаченкова билан П.Зоҳидовлар томонидан иншоотга берилган таърифлар тарафдорлари ўртасида давом этди.

XX асрнинг иккинчи ярмида Г.А.Пугаченкова иншоотга оид вақфнома ва у ерда аниқланган дафиналар асосида, обидани 1464

йили қурилган ва мақбаралар туридаги иншоотлар қаторига киритиб, Темурийлар даври меъморчилигининг охириги тушқунлик босқичининг нодир асари деб ҳисоблайди. П.Зоҳидов эса, қадимий манбаларнинг таҳлили ва бионинг меъморий ечимларидан келиб чиқиб, уни Темур салтанатининг гуллаган даврида у қурдирган шаҳар ташқари боғ-сарой, кўшқларининг бизгача етиб келган нодир намунаси ва хусусан Боғи Дилкушо кўшки, деган хулосани исботлашга ҳаракат қилган [1].

Албатта, ўзбек меъморчилиги тарихи фанининг икки буюк намоёниси келтирган бу қарама-қарши нуқтаи назарлар тадқиқотчиларга ушбу мавзунини янада чуқурроқ ўрганишни тақозо этади.

XIX асрнинг 70-йилларидан XX асрнинг бошларигача Ишратхона обидаси харобаларини кўрган, маҳобати ва ҳашамини қайд этган рус ва европалик сайёҳлар, уни Амир Темурнинг мухташам ва монументал иншоотларидан бири сифатида таърифлайдилар. Бу даврда, Самарқанд ва унинг атрофи ўзининг тарихий топографиясини бирмунча сақлаб қолган ҳам бўлиши мумкин. 1940 йили олиб борилган махсус тадқиқотлар муаллифлари эса, бу бино Амир Темурдан кейин, XV асрда бунёд этилган мақбара-хилхона деган хулосага ҳам келдилар. Далил-исбот сифатида эса XIX аср тарихчиси Абу Тохирхўжа Самарқандийнинг "Самария" асарида келтирилган таъриф

олинган, “яъни Ҳабиба Султонбегим кизи Давлат бекага атаб қурдирган гумбазни бино қилдирган” деган сўзларини айнан Ишратхонага боғлаб унинг қурилиш тарихини аниқлашдаги илмий йўналишга асос бўлган. Кейинчалик топилган вақфномага кўра ҳам бу иншоот 1464 йили бунёд этилган деган хулосага ҳам келинди. Лекин, маҳаллий аҳоли томонидан Ишратхона деб келинган бу иншоотнинг меъморий ҳашами, тархий ечимлари ушбу вақфномани таржима қилган В.Л.Вяткинда ҳам, унинг бу обидага тааллуқлилигига шубҳа уйғотган.

Шундай бўлсада, Ишратхона обидаси 1940 йилдан бошлаб XV аср мақбараси сифатида меъморчилик тарихига киритилиб, Темурийлардан Абу Саид даврининг нодир меъморий асари сифатида таҳлил этилиб келинди. Умуман, Амир Темур ва Мизо Улуғбек қурдирган маҳобатли биноларга монанд ҳашамга эга бўлган бу иншоотни, 1464 йили қурилган дейиш мақбараларнинг типологик хусусиятларига кўра XV асрда ҳам, яъни бу турдаги иншоотларнинг камтарона кўринишлари, содда ечимлари ва айниқса уларнинг хонақоҳ билан бирга кенг шаклланган кўринишларини бунёд этиш одатий бўлган даврда, бундай маҳобатли серҳашам мақбара пайдо бўлган деган хулоса бир мунча шубҳалидир. Шаҳар ташқарисида бундай йирик иншоот қурилиши ўзаро низолар, иқтисодий тушқунлик даври учун ҳам гумон уйғотади. Шунингдек, Ишратхона биносидан бироз узокроқда қадимий Хўжа Абду Дарун қабристони жойлашган. Мақбара унинг худудида қурилмай, Ферузабоғ ичида жойлашуви ҳам саволлар туғдиради. Ишратхона номи ҳам мақбара учун номақбулдир. Бу борада Самарқандлик устанинг фикри ҳам қизиқиш уйғотади [2].

Илмий мунозараларда тажрибали таъмир усталарининг ҳам қатнашуви Ишратхона обидаси муаммоларининг оқилона ҳал этилиши нақадар муҳимлигини кўрсатади.

Чунончи, Самарқандлик машҳур уста, кўплаб обидаларни таъмир этишда фаол қатнашган Абдуғаффор Ҳаққуловнинг ёдгорлик тарихига оид фикрлари ҳам эътиборга молиқдир. Унинг ёзишича, “Самарқандда XIV асрда бунёд этилган ва ЮНЕСКО томонидан жаҳон маданий мероси рўйхатига олинган “Ишратхона” номли бино асли Султон Абусаидхоннинг суюкли қизи Султон Ҳавонбека қабри устида қурилган ўнта хужрадан иборат мақбарадир. Ўн сўзи арабча ашара бўлиб, шу иборага кўра бинони ашарахона, яъни “ўн уйлик” деб аталган бўлиши мумкин. Лекин вақт ўтиши билан у ҳар хил тилда сўзланиб “ашара”сўзи

“ишратга” ағдарилган. Аслида киши дафн этилган бино сағана дейилади. Чунки бино қурилишидан олдин унинг остида сағана қурилганлиги исботланган”.

Г.Пугаченкова Ишратхона обидасининг меъморий ечимларини таҳлил этиб, қуйидаги хулосаларни келтиради: “Ишратхона Ўрта Осиёдагина эмас, балки барча мусулмон дунёсидаги мақбаралар орасида алоҳида ўрин тутди. Меъморчилик жиҳатидан у бир-бирига боғлиқ мураккаб бир неча хоналардан иборат. Унинг марказий қисмини қачонлардир, ажойиб қилиб безатилган хоч (крест) симон муҳташам зал ташкил этади; залнинг жануби-шарқий қанотида, миёнсарой деб аталадиган, эшиклари бир-бирига рўбарў қилиб қурилган хоналар ёндашиб туради. Уларга симметрик қилиб шимоли-ғарбда масжид жойлаштирилган. Иккинчи даражали бир қанча ёрдамчи хоналар-дахлизлар жойлашуви натижасида бинонинг умумий тарҳи тўртбурчак шаклини ҳосил қилган. Тўрт айлана зинадан иккинчи қаватга чиқилади, у ерда бир неча хужралар бор. Марказий залдан пастга-ергўлага саккиз қиррали хонага тушиш мумкин. Сағаналар нишаб қилинган эллипс шаклидадир. 1903 йилдаги зилзилада асосий гумбаз ва ёпилмалар кулаб тушган. Бу иншоот XV асрнинг иккинчи ярмидаги энг салобатли бинолардандир” [3] деган хулоса кейинчалик меъморчилик тарихида кенг қўллана бошланган эди.

Иншоотга оид тарихий ва меъморий муаммоларни босқичма босқич таҳлил қилган П.Зоҳидовнинг фикрича, обида ҳақидаги шу давргача чиқарилган хулосаларда мантиқий жиҳатдан келишмовчиликлар мавжуд. Халқ томонидан “Ишратхона” базм-хушчаққалик биноси, дилхушлик қилинадиган жойни билдирувчи номни бериш мақбара учун нолойқлиги шубҳа уйғотмаган. Агар мақбара бўлганда бу ном берилмас эди. Бу жиҳатга ҳам юқорида келтирилган хулосаларда жавоб берилмаган. Шунингдек, халқ орасида бу бинонинг Амир Темур шахси билан боғлиқ ривоятларига ҳам эътибор қилинмаган. Бино қурилиш санаси учун ягона тарихий ҳужжат қилиб, 1464 йилги вақфнома, яъни Хованд Султонбегим даҳмаси учун тайинланган вақфнома олинган. Бу вақфноманинг айнан Ишратхонага тааллуқлилиги ҳам етарлича исбот қилинмаган. XIX асрда, яъни тўрт асрдан кейин Абу Тоҳирхўжа томонидан ёзилган “Самария” асарида келтирилган маълумотлар ҳам танқидий таҳлилларсиз маълумот учун қабул қилинган. Бу ўз навбатида янги чалкашликларни келтириб чиқарган, деб ёзади П.Зоҳидов. Агар бу иншоот типологик жиҳатдан мақбаралар

турига киритилмаса, қандай мақсадлардаги бинолар қаторига киритиш мумкин? Шаҳар ташқарисида қуриладиган маҳобатли иншоотлар асосан қаср, сарой, кўшк ва бой деҳқон кўрғонлари бўлгани XII-XIV аср Марказий Осиё меъморчилиги тарихидан маълум.

XIV-XV асрлар оралиғида Амир Темур ва Темурий хукмдорлар марказлашган ҳокимиятга эга бўлгандан сўнг, шаҳарнинг мустақкам девори ташқарисида турли мақсадлар ва вазифаларга мўлжалланган боғ-саройлар, кўриқлар ташкил этилиб, унинг ичида меъморий жиҳатдан ҳар хил ечимдаги ҳашамдор иншоотлар қурдирилгани шубҳасиздир. Уларнинг аксарияти ҳозирда сақланиб қолмагани учун, улар ҳақидаги таърифлар фақат ёзма манбалар ва археологик қолдиқлардан маълум эди. Ўрта аср тарихчилари қолдирган маълумотларни археологик қазилмалар натижалари билан таққослаб, П.Зоҳидов ўзининг тадқиқотларида Ишратхона обидасини Амир Темур қурдирган боғ-саройларидан бири Кўшки Дилқушо сифатида қабул қилиб, ана шу тахмин асосида аниқланган маълумотларни таҳлил қилди.

Темурийлар даври меъморчилигида муҳим ўрин туган боғ-сарой иншоотларига кўшклар атамаси ишлатилиши манбаларда учрайди [1]. Шарафуддин Али Яздий, Клавихо Руи де Гонсалес, Низомиддин Шомий ва айниқса Заҳириддин Бобур келтирган маълумотларни Самарқанд ва унинг атрофи тарихий топографияси, Темурийлар даври меъморий иншоотлари таърифлари билан таққослаш, таҳлил этиш натижасида Ишратхона обидаси Амир Темур қурдирган Боғи Дилқушодаги машҳур Кўшк деган фикрга П.Зоҳидов келган. Амир Темур қурдирган сарой, кўшк, қасрларнинг бирортаси ҳам меъморий жиҳатдан тўлиқ сақланиб қолмаган эди. Тадқиқотчилар эса асосан Темур ва темурийлар давридаги мақбара, хонақоҳ, мадраса ва масжид каби диний-мафкуравий биноларнинг меъморчилиги, уларнинг қурилмавий, ҳажмий-тарҳий ва бадиий безак услублари хусусиятларини нисбатан тўлиқ ёрита олганлар [4, 5].

Г.Пугаченкованинг ёзишича, бу турдаги боғ-кўшклар ўзаро кесишган ҳиёбонлар марказига жойлаштирилган. Амир Темурнинг Дилқушо саройи уч қаватли, кўп хона, заллардан ташкил топган. Марказида баланд ва кенг зал ҳашамдор гумбаз билан ёпилган. Залнинг ташқариси мармар устунли галерея кўринишида ишланган, тарзлари сиркор кошинлар билан қопланган. Ичкараси нақшинкор безаклар-сиркор кошин, парчин,

қуйма безаклар, рангли тасвирлардан иборат. Шунингдек, Г.Пугаченкова Давлатобод саройи ҳақида сўз юритиб, у баланд сунъий тепалик устига ўрнатилган, атрофи сув тўлдирган чуқур хандақ билан ўралган. Саройга осма кўприк орқали ўтилган. Сарой қалъа кўринишида бўлсада, серҳашамлиги кўшк-саройларга монанд қилинган, деган таърифни беради.

Темурийлар саройлари ҳақида испан элчиси Клавихонинг ёзиб қолдиришича, саройнинг марказий зали салбсимон тарҳга эга, чуқур тоқилари ичига суфалар қилинган ва нақшинкор сиркор кошинлар билан қопланган.

Амир Темурнинг боғ саройлари (кўшклари) маҳобатли ва ҳашами билан шаҳар ичкарасида қурдирган иншоотлардан қолишмаганини Г.Пугаченкова қайд этсада, Ишратхона обидасини бу турдаги бинолар қаторига киритмайди. Сўнгги темурийлар даврининг мақбара иншоотларидан ҳисоблаб, бу давр меъморчилиги ривожланиш босқичининг нодир асари деб хулоса чиқаради.

Албатта, Темурийлар давлати парчаланиб кетиши натижасида юзага келган мустақил улусларнинг кейинги хукмдорлари давридаги меъморчиликда диний-ижтимоий ва фуқаролик қурилмаларида сўфийлик билан боғлиқ меъморий мажмуаларга кўп ўрин берилди. XV аср охири ва XVI аср бошларидан шаҳар ташқарисида хонақоҳ, масжид, мадраса, мақбаралар меъморчилигида янгича йўналиш-йирик ва кўп функционал мажмуаларнинг шаклланиши авж олган эди. Самарқанд атрофида Хўжа Абду Дарун, Хўжа Абду Берун, Нодир Девонбеги мажмуаси, Маҳдуми Аъзам каби зиёратгоҳ-қўнимгоҳларнинг мавқеи юқори бўлиб, шаҳар ташқариси боғ-сарой меъморчилигига эътибор камайди. Шу даврда Темурийлар боғ-саройлари ҳам вайронага айланган. Кўпларининг хом ашёси бошқа биноларга ишлатилган. Шаҳар ташқарисида жойлашган, Бобур келтирган маълумотлар асосида Боғи Дилқушо саройи деб тахмин қилинаётган Ишратхона обидаси ҳам вайрона ҳолга келиб қолган эди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ишратхонага оид П.Зоҳидов олиб борган таҳлиллардан, унинг Амир Темур қурдирган Кўшки Дилқушо деган хулосасига ишонч ортади. Кўплаб манба ва маълумотларни жалб этган ҳолда П.Зоҳидов Ишратхона ҳақидаги жорий хулосаларни яна қайта кўриб чиқди. Дастлаб иншоот қурилиши тарихига оид маълумотларни ислоҳ қилиш натижасида Ишратхона биносига оид деб ҳисобланган

1464 йилда тузилган вақфнома ҳужжатлари унга тегишли эмаслигини аниқлади. Вақфномани қайтадан синчиклаб ўрганилганда, унда келтирилган бино Хўжа Абду Даруннинг кичкина мақбарасига ёндаштирилиб қурилган масжид-хонақоҳига тегишли бўлиб чиқади. Ишратхона харобаларидан 200 метр нарида жойлашган бу хонақоҳ, бир мунча катта иншоот бўлиб, марказий зал устида катталиги жиҳатидан Ишратхона гумбазидан ҳам баланд ва феруза рангли кошин билан қопланган гумбаз билан ёпилган. Кейинчалик кошинлар тушиб кетиб, кўримсиз ҳолга келиб қолган. Меъморий-бадий жиҳатдан бу хонақоҳ Темурий хукмдорларидан бири фаолияти билан боғлиқ даврга, хусусан вақфнома тузилган (1464 й) вақтларга тўғри келади. Боғи Феруза худуди яқинида Хўжа Абду Дарун мазори ва Хованд Султонбека қабри устидаги хонақоҳ биноси жойлашгани вақфнома матнини таҳлил этгандаги хулосалардан маълум бўлди.

1464 йилда тузилган вақфнома таҳлилидан Султон Абу Саиднинг қизи Хабиба Султонбегим ўзининг онаси Хованд Султонбегим мақбараси учун ўзининг мол-мулкларидан вақф ажратган. Хованд Султонбегимнинг қабри эса Абду Дарун мақбарага ёндошган юқорида таърифланган даҳмали хонақоҳда бўлгани аниқланган. Шунингдек, Абу Тоҳирхўжанинг ёзишича, XIX асрнинг 30-йилларида Хованд Султонбегим мақбараси 1598 йили вафот этган Муҳаммад Содик қабри билан бир пуштада (тепаликда) жойлашган ва у Абду Дарун мақбараси ёнида бўлган. Ишратхона тағхонасидаги сўнги дафиналар орасида эса бу қабрлар ва қабртошлар тадқиқотларда аниқланмаган.

Хулоса қилиб айтганда, Ишратхона биноси Хованд Султонбека қабрига тааллуқли эмаслиги ва 1464 йилдан аввал бунёд этилганлиги ҳақидаги фикр ҳақиқатга яқин.

Г.Пугаченкова таърифида, Ишратхона биносида меҳробли масжид шарқий қанотида жойлашган дейилади. Лекин, бу, масжид меҳроби деб аталган равоқли токча қиблага йўналтирилмагани ажабланарли. Чунки, Амир Темур қурдирган масжид, мақбаразиёратгоҳларда меҳроб қиблага, ғарбга қатъий қаратилган. Ишратхона обидасидаги бу хона-зал, масжид вазифасини бажармаган, у бошқа мақсадларга мўлжалланган бўлиши мумкин. Шунингдек, тўрт зинадан чиқадиган иккинчи қаватда жойлашган ҳашамдор безакли хоналар яшаш учун мўлжаллангани ҳам мақбарада бўлиши мумкинми деган фикрни уйғотади. Юқоридагилардан келиб

чиқиб, маҳаллий халқ орасида Ишратхона деб келинган иншоот, мақбара эмас деган хулосага келиш мумкин.

Бизгача етиб келган Бибихоним жомеъ масжиди, Гўри Амир мажмуаси, Шоҳизиндадаги мақбаралар ва мажмуанинг кириш қисми, Мирзо Улуғбек қурдирган хонақоҳлар каби қаср, сарой-қўшқлар меъмorchилигидаги ечимлар ҳам шу қонуниятларга бўйсундирилган. Шунинг учун Ишратхона биноси ечимида баланд пештоқ, салбсимон тархли марказий зал, баланд гумбазнинг бўлиши унинг функционал хусусиятини, вазифасини билдирмаслиги аниқ. Гумбазли бинога фақат диний иншоот деб қараш Темурийлар даври меъмorchилигини чуқур англамасликни билдиради.

Низомиддин Шомийнинг Зафарномасида, “Амир Темур хукми ва кузатувида Боғи Дилкушонинг ўртасида кўшк ва шоҳона бир сарой бунёд қилдилар, уни Тўқал хонимга атаб қурдилар”, деган маълумот бор. “Тўқал” сарой хонимлари унвони бўлиб “иккинчи” хотин деган маънони билдиради. Ҳиндистон сафаридан қайтаётиб, Амир Темур Кеш билан Самарқанд оралигидаги тўрт боғда тўхтагани ҳақида хабар берилади (1399 йил). Шулардан иккисидаги кўшқларга жойлашгани ҳам қайд этилган [1].

Шарафуддин Али Яздий ҳам “Дилкушойи боғини ва кўшқларини иморат солғони, яна бир ерда бир кўшк солди, у тоқ била”, деб ёзади. Бу ерда тоқ - беш тоқ маъносида келади [6]. Заҳириддин Бобур Темур боғ саройлари ҳақида аниқроқ маълумотлар келтиради. Хусусан, Боғи Дилкушо ёнидан Самарқанд-Панжикент йўналишидаги қадимий йўл ўтган бўлиб, Феруза дарвозасидан Боғи Дилкушогача узунлиги 2 км атрофида теракзор - хиёбон қилинган, Кониғил ўтлоғи 1 шаръи - (2 км) масофада эканини ёзган. Айнан шу ҳудудда Ишратхона иморати жойлашган бўлиб, бу ерда шаҳарга яқин боғ бўлган [7].

Абдураззоқ Самарқандий 1411 йили Шоҳрух Кониғилда, Кўк гумбаз саройида қўнгани ҳақида хабар берди. Дилкушо кўшқини маҳаллий халқ Кўк Гумбаз деб атагани ҳам маълум. 1464 йилги вақфномада эса Боғи Фирузанинг Абду Дарун мажмуасига ёндошгани тасдиқланади. Бу боғ ўртасида баланд гумбазли кўшк-сарой бўлганига ишорадир.

Самарқанднинг ҳозирги Қаландархона маҳалласи ўрнидаги Бобо Хўжа Сафо ерлари шарқ томонидан Боғи Ферузага ёндошгани ҳам Ишратхонанинг боғ ичидаги кўшқлигига исбот бўлади. Бобур даврида Самарқанд

билан Боғи Дилкушо оралиғида Бедана кўриғи бўлгани ҳақида ҳам маълумот бор [1].

Ишратхонани боғ ичидаги кўшк-сарой деб ҳисоблашга, унинг меъморий ечимлари таҳлилидан ҳам далил келтириш мумкин. Кези келганда Ишратхона номининг айш-ишрат, базм-жамшид ўтказилган жой эканлигини Мирзо Улуғбек даврида Боғи Ферузадаги Кўк Гумбаз саройида ўтказилган базмлар таъсиридан деб, тахмин қилиш ҳам мумкин. Мирзо Улуғбек илк ҳукмронлик давларида Амир Темурнинг шаҳар ташқарисидаги боғ-саройлари яхши сақланиб қолгани учун, отаси Шохруҳ шарафига 1411 йилда Кониғилдаги Боғи Дилкушода базм берган. Мирзо Улуғбек қурдирган боғлар эса унинг ҳукмронлигининг кейинги давларида тўғри келади.

Бобур Самарқандда бўлганида, яхши сақланиб турган Ишратхона иншоотининг серхашам ва маҳобатли кўриниши, унинг бу бинони "буюк кўшк" деб таърифлашига сабаб бўлгандир. Шу манзилда Амир Темурнинг энг гўзал "Боғи Дилкушо" жойлашганлигини ҳам эътироф этган. Шундай маълумотлар Ишратхона ўз шакл-шамойилига кўра боғ-кўшклардан эканлигини билдириб, Амир Темур даврида бунёд этилган мақбараларни эслатмайди. Юқоридаги таҳлилларга кўра, меъморий ечимлари, қўлланган безак усуллари билан бу бинони шаҳар ташқарисида қурилган боғ-сарой эканлигига шубҳа уйғонмайди.

П.Зоҳидовнинг Кўшк Дилкушо билан Ишратхона биносининг айнан бир иншоот деб ҳисоблашининг эътирофи учун бу масала юзасидан яна чуқурроқ тадқиқотлар олиб бориш керакдир. Г.Пугаченкова, М.Е.Массонларнинг Ишратхонани, мақбара бинолари туридаги янги босқич деб қабул

қилишларини ҳам қайта кўриб чиқиш зарур. Чунки, типологик жиҳатдан бир, лекин вазифалари турлича бинолар Амир Темур ва Темурийлар даври меъморчилиғида кўп учрайди. Шунинг учун маълум даврда функционал жиҳати ўзгарган иншоотларнинг асл вазифасини фақат меъморий тадқиқотлар аниқлаб бера олмайди.

Ишратхона каби йирик, ҳашамдор кўшкларнинг аксарияти диний мафкура билан боғлиқ бўлмагани учун йўқ бўлиб кетган. Темурийлар меъморчилиғидан фақат масжид, мақбара, мадрасалар сақланиб қолганини эътироф этилса, кейинчалик сағаналар жойлашгани учун хароба ҳолда бўлса ҳам, Ишратхона боғ-кўшк бизгача етиб келган. Ишратхона биноси мисолида Амир Темур даври меъморчилиғидаги шаҳар ташқариси боғ-саройлар қурилмаларини тадқиқ этиш имконияти туғилади. Маҳобатли меъморчиликнинг Амир Темур даври кўшк иншоотлари типологиясига оид тўлиқ тасаввурга ҳам ушбу бино тадқиқоти асосида эга бўлиш мумкин.

#### Reference:

1. Zakhidov P.Sh. Great Dilkusho Kushk (architectural secrets of Ishratkhana) in Vol.2. T. 2007.
2. Khakkulov A. Art of repairing. T. 1991.
3. Pugachenkova G.A. Architectural characteristics of Ishratkhana mausoleum. T. 1958.
4. Pugachenkova G.A. Central Asian gardens and parks of 15<sup>th</sup> century. (From the art Treasury of the Middle East. T. 1987).
5. Pugachenkova G.A., Rempel L.I. Art History of Uzbekistan. M. 1965.
6. Yazdiy Sharafuddin Ali. "Zafarname". T. 1972.
7. Zahiriddin Mukhammad Babur. "Baburname". T. 1996.